

# O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI

VOL. 1 /SS: 12 (2024)

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА

INSURANCE




TOSHKENT DAVLAT  
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS



<b>№</b>	<b>MUNDARIJA</b>	
1.	ЎЗБЕКИСТОН СУФУРТА БОЗОРИДА ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ <b>ЭКОНОМЕТРИК ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ</b> <b>Матиязова Санобар Ражаббайновна</b>	1
2.	СУФУРТА БОЗОРИДА ИСТЕЙМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ <b>Жакбаров Сардор</b>	4
3.	ТАКОФУЛ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ <b>Абдуллаев Равшан Вахидович, Дадабаев Умиджон Абдусамат ўғли</b>	7
4.	ЎЗБЕКИСТОНДА СУФУРТА МАҲСУЛОТИНИ СОТИШ КАНАЛЛАРИНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ <b>Абдимўминова Соодат Тахиржоновна</b>	10
5.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУФУРТАЛАШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЛАБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ <b>Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович</b>	13
6.	O'ZBEKISTONDA SPORT SOHASINI MOLIYALASHTIRISHNING TASHKILIY-IQTISODIY JIHATLARI <b>M.N.Mamatov</b>	16
7.	SUVEREN KREDIT REYTINGNING MAMLAKAT MOLIYASIGA TA'SIRI <b>Tog'ayniyazov Shohzodbek Ural o'g'li</b>	19
8.	VENCHUR FONDLARINI TASHKIL ETISH: JARAYON VA STRATEGIYALAR <b>Talapova Nargiza Baxriddinovna</b>	21
9.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ <b>Имомов Хамдила Хамдамович</b>	24
10.	MILLIY IQTISODIYOTDA MAHALLIY BYUDJETLAR DAROMADLARINI SHAKLLANISHDA HUDUDLAR IQTISODIY VA INVESTITSION SALOHIYATINING NAZARIY ASOSLARI <b>Yusupov Ruslan</b>	27
11.	LOGISTIKA VA TA'MINOT ZANJIRI JARAYONLARINI INTEGRATSİYALASH UCHUN MOLIYAVIY BOSHQARUV STRATEGIYALARI <b>Maxmudov Samariddin Baxriddinovich</b>	31
12.	MDH MINTAQASIDA TRANSPORT SOHASIDAGI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA EOII TRANSPORT INTEGRATSİYASINING TASHQI OMILLARI VA XAVFLARI <b>Xo'jayev Fazliddin Elmurodovich</b>	35
13.	COMBATTING THE SHADOW ECONOMY AS AN IMPORTANT DIRECTION OF ECONOMIC POLICY FOR AN INCLUSIVE DEMOCRATIC SOCIETY (EXPERIENCE OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES AS AN EXPAMPLE) <b>Norbaev Tura, Abduraufov Jaloliddin</b>	37
14.	EVROOSIYO IQTISODIY HAMJAMIYATI BILAN IQTISODIY HAMKORLIK MUNOSABATLARINI TASHKIL ETISH TAMOYILLARI <b>Hamdamova Nilufar Hamdullo qizi</b>	42



## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ СУФУРТАЛАШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЛАБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович

ТДИУ, мустақил изланувчи, и.ф.н., доцент

email: aleks\_4240@mail.ru

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 12

DOI:[https://doi.org/10.55439/INS/vol1\\_iss12/224](https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/224)

### ABSTRACT

Ушбу маколада кишлоқ хўжалигини баркарор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси сифатида сугурта соҳасида кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қартиш бўйича долзарб масалалар илгари сурилган. Маколада кишлоқ хўжалигини сугурталаш, шунингдек, сугурта хизматларини кўрсатишда кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тадқик килинган, сугурта соҳасида фаолият юритаётган кадрлар таъминоти статистик маълумотлар асосида таҳлил килинган ҳолда ривожлантириш борасида тавсиялар келтирилган.

### KEYWORDS

кишлоқ хўжалиги, икътисодий ислоҳотлар, кадрлар, сугурта хизматлари, кадрлар таъминоти, кадрлар тайёрлаши, актуарийлар.

### Кириш (Введение/Introduction)

Кишлоқ хўжалигини баркарор ривожлантириш масаласи ўз олдига асосий вазифа сифатида барча турдаги озиқ-овқат ва кайта ишлаш саноати корхоналарининг асосий хом ашё билан таъминлаш хисобланади. Кишлоқ хўжалигини баркарор ривожлантириш билан бирга кишлоқ хўжалигини турли хавф-хатарлардан сугуртавий химоя қилиш бугунги глобал иклим ўзгариши шароитида ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараккӣ стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш каторида стратегиянинг 46-максадида “Олий таълим билан камров даражасини 50 фойзга етказиш ва таълим сифатини ошириш” белгилаб берилди. Ушбу максаддан келиб чиқсан ҳолда “Кадрлар буюргачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022-йилда ошириш, 2022-йилда ёшлини олий таълим билан камров даражасини 38 фойзга етказиш, тўлов-контракт асосида ўқишига қабул килиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустакил белгилаш тартибини жорий этиши ҳамда 2026-йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингта етказиш” каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда сугурта бозори фаолияти учун малакали кадрлар тайёрлаш каби вазифалар истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб эътибор берила бошланди. Айнан, сугурта фаолияти учун тайёрланган кадрларнинг аксарият кисми соҳа фаолияти ривожига ўз хиссасини кўшиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб сугурта бозорида фаолият юритаётган сугурта компанияларнинг аксарияти сугурта йўналиши бўйича малакали мутахassislar bilan taъminlanishi daражasini ijobiy deb baҳolash mushkul. Mazkur ilmий-tadқiqot iши назарий ҳамда uslubiy jihatdan soҳadagi muammolarni kўrib chiqishga karatilgan.

### Адабиётлар шархи (Обзор литературы/Literature review)

Кишлоқ хўжалиги таркибидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бугунги куннинг вазифаларидан бири сифатида кўтарилигдан айнан, кишлоқ хўжалиги корхоналарини сугурта хизматларини ривожлантириш ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш ҳам назардан четда қолмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида” ги фармони кабул килинди [1].

Фармонда айнан, кишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш ҳамда кишлоқ хўжалиги тармокларининг малакали мутахassislariga бўлган жорий ва истиқboldагi эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини оширишини таъминлаш каби масалалар устиворлиги билан катта аҳамиятта эга.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сугурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларига багишланган йигилишида “2019 йилнинг олти ойида тегишили ташкилотлар томонидан тўплланган сугурта мукофотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошиди. Лекин, аҳоли жон бошига нисбатан ҳар бир инсон учун 50 минг сўм сугурта мукофотлари тушади. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атига 0,4 фойзга етди. Таққослаш учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фойзни, Германияда 6 фойзни, Россияда 1,5 фойзни ташкил этади” деб таъкидлаб ўтди [2].

Бу борада мамлакатимиз Президенти бевосита мутасаддиларга сугурта соҳасини ўрта ва узок муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифасини белгилаб берилар.

Сугурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахassislarни нуғузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қартиш кераклиги белгилаб берилди.

Мамлакатимизда сугурта хизматлари соҳасидаги асосий муаммоларнинг бири сифатида сугурта хизматларининг етарли даражада кўрсатилмаслиги, шунингдек, соҳада айнан сугурта бўйича ўз малака ва амалий тажрибасига эга мутахassislar etishmasliги ёки фаолият юритаётган соҳа вакилларининг мутахassisligi mos

келмаслиги каби ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

#### Тадқиқот методологияси (Methods/Методы).

Мазкур тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини сугурталашда борасида сугуртчи кадрлар тайёрлаш ва уларни агросугурга фаолиятига йўналишириш масалаларини такомиллаштириш ва сугурта соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, сугурта хизматлари бозоридаги тенденциялар ва сугурта йўналишида таълим тизими ўргасидаги интеграцион боғликларни такомиллаштириш хамда олий таълим муассасаларида агро сугурта йўналишида кадрлар сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари ва тамойиллари ўрганилди. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усууларидан фойдаланилди.

#### Тахлил ва натижалар мұхокамаси (Анализ и результаты. Analysis and results).

Мамлакатимиз сугурта соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Сугурта соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг ходимларини соҳага ихтиослашган олий таълим муассасаларининг “Сугурта иши” таълим йўналишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Шунга кўра, сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари ходимларини “Сугурта иши” таълим йўналиши бўйича 2020/2021 ўқув йили учун сиртки ва кечки таълим шаклига тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташкири тўлов-контракт асосида қабул қилиш жараёнини пандемия туфайли 2020 йилнинг октябр-ноябрь ойларида соҳага ихтиослашган Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб эса қабул жараёнини соҳа бўйича юкори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминланган бошқа олий таълим муассасаларида ҳам ташкил этиши белгилаб олинди.

Республикамиз молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, сугурта ташкилотлари фаолиятини кўллаб-куватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳукуқлари ва конуний манфаатларини химоя килиш учун кўзайтиришни ва сугурта воситаларини кенг кўллашни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ислоҳотларнинг ҳозирги боскичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш Республикада сугурта бозорининг ролини кучайтиришни ва сугурта воситаларини кенг кўллашни тақозо этмоқда.

Сугурта бозорини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қарамасдан айнан сугурта соҳасида кадрлар тайёрлашда бир нкапча муаммолар мавжудлиги кўзга ташланмоқда, хусусан:

- сугурта таърифларини хисоблашда соҳа мутахассислари, яъни актуарийлар тайёрлаш учун мамлакатимизда актуарийлар сони камлиги;

- амалиёт ўтаётган талабалар компанияларда аксарият маълумотлар берилмаслиги;

- сугурта соҳасига бўлган талабнинг пастлиги бўйича ишлайдиган маркетологларнинг етарли эмаслиги;

- компанияларда мутахасис кадрлар етишмаслиги қарамасдан, сугурта соҳасига таълим вазирлиги томонидан квоталарнинг кам бериши ва бошқалар.

Келтириб ўтилган муаммоларни ечим таъминлаш борасида кўйдагича таклифларни кўриб чикиш мақсадга мувофиқ:

- сугурта бозорида актуарий хизматларини ривожлантириш ва уларни олий таълимга тўғридан тўғри боғланнишини йўлга кўйиши;

- амалиётда ўтаётган талабаларни соҳани тўлик ўрганишга компанияларда кенг шароитлар яратиб берилши;


- сугурта фаолиятида сугурта маркетологларнинг хамкорлигини йўлга кўйиш оркали сугуртчи маркетологлар тайёрлаш бўйича таълим йўналишларни ташкил этиш;

- Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан бевосита компанияларда кадрларнинг етишмовчилиги бўйича тўлик

маълумотларни сугурта бозорини ривожлантириш ташкилотлари ёрдамида шакллантириб, сугурта соҳаси бўйича кадрлар квотасини кўпайтиши мақсадга мувофиқ.

Юкоридаги билдирилган фикр мuloҳазалардан шуни англаш мумкини, сугурта соҳасини ривожлантиришда хали кўплаб чора-тадбирлар олиб борилиши зарур эканлигини англаш мумкин.

2023 йил яқунларига кўра, юритмиз сугурта бозорида 38 та сугурта компаниялари фаолият юритаётган бўлиб, шундан (31 таси умумий сугурта фаолияти, 7 таси хаётни сугурта килиш тармоғида), 8 та сугурта ва қайта сугурта брокери, 5 та актуарий, 6447 та сугурта агентлари фаолият кўрсатмоқда.



1-расм. Сугурта бозорида фаолият юритувчи компаниялардаги кадрлар таъминоти ҳолати (01.01.2024)<sup>1</sup>

Мамлакатимизда сугурта бозорида фаолият юритувчи сугурта компаниялардаги кадрлар таъминоти назар ташлайдиган бўлсан, жами сугурта ходимлари сони 5518 тани ташкил этган бўлса, шундан, 4078 таси олий маълумотли кадрлар ташкил этган. Сугурта соҳаси бўйича малакали мутахассислар сони 400 тани ташкил этган, умумий сугурта ходимларига нисбатан 7,25 фоизни ташкил этган.

Миллий сугурта бозорида етакчи хисобланган “Ўзагросугурта” АЖ нинг республика бўйича 14 та филиали ҳамда 187 та сугурта марказида жами 600 дан ортиқ ходим, деярли 1000 нафар сугурта агентлари фаолият юритмоқда.

“Ўзагросугурта” АЖ ходимларнинг 60 фоизга якини олий маълумотли, хусусан 26 фоизи молия, иктисол ва сугурта соҳаси мутахассисларидир. Тизимда раҳбарлик лавозида фаолият юритаётгандарнинг 30 фоизи ёшлар хисобланади.



2-расм. “Ўзагросугурта” АЖ да ходимлар таъминоти ва сугурта мутахассислари билан таъминланганлик даражаси<sup>2</sup>

2-расмдан кўриш мумкини, “Ўзагросугурта” АЖ да 2018 йил ҳолатига кўра жами 1535 та ходимлар фаолият юритган бўлса, шундан олий маълумотли ходимлар сони 598 тани ташкил этган ҳолда шундан 40 фоизи сугурта йўналишида таҳсил олган олий маълумотли ходимлар ташкил этган.

1-жадвал  
2023 йил ҳолатига кўра “Ўзагросугурта” АЖ нинг кадрлар таъминоти дарражаси

Худудлар	Суѓурта компаниясида фаолият юритаётган барча ходимлар сони	Шу жумладан, сугурта мутахассислари бўйича олий маълумотта эта ходимлар сони	Суѓурта мутахассисларига бўлган таъминланганлик дарражаси	Суѓурта агентлари сони
Қораллонгистон Республикаси	44	25	20	108
Андижон	35	21	18	51
Бухоро	42	21	17	23
Жиззах	22	11	10	19
Кашқадарё	34	19	12	59
Навоий	20	11	9	32
Наманган	36	20	11	52
Самарқанд	41	21	10	82
Сурхондарё	36	20	8	83
Сидор	13	8	5	21
Тошкент	30	26	7	4
Фарғона	41	11	13	80
Хоразм	43	22	11	191

“Ўзагросугурта” АЖ ходимлар сони 2023 йил ҳолатига кўра, деярли 3 мартаға кискарған ҳолда жами 554 тани ташкил этган ҳолда олий маълумотлилар сони 320 тани ташкил этган, шу билан бирга сугурта йўналиши бўйича мутахассис ходимлар сони умумийга нисбатан 57,7 фоизни ташкил этган. Компанияда фаолият юритаётган агентлар сони 2018 йилда 2007 тани ташкил этган бўлса, 2023 йил ҳолатига кўра 839 тани ташкил этган ҳолда 2018 йилга нисбатан 1168 тага камайган.

#### **Хулоса ва таклифлар (Заключение/Conclusion).**

Мамлакатизда сугурта соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида барча хукуқий асослар яратилган. Юкорида келтирилган меърий-хукукий хужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини сугурталаш соҳасида ҳам кадрлар тайёрлаш масаласини тубдан ҳал этиши мувофиқдир.

Бироқ, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бораётганилиги сабабли, қишлоқ хўжалигини сугурталашда “сугурта актуарий”, “сугурта маркетологи”, “сугурта андерайтинги”, “сугурта брокери” ва бошқа сугурта йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга аҳамиятни янада ошириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигини сугурталаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш максадга мувофиқдир:

#### **References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида” ги фармони. 2021 йил 3 февраль. <https://lex.uz/docs/5262596>
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 июль куни “Сугурта хизматлари бозорини ривожлантириш” масалаларига бағишилган йигилицдаги маърузаси. <https://president.uz/uz/2703>
3. “Ўзагросугурта” АЖ йиллик ҳисобот маълумотлари.
4. Agroinsurance: International Experience, Competitive Status, and Development Opportunities in Uzbekistan". Analytical Note. Tashkent, 2009. p. 56.
5. Miranda PM Meuwissen, Yann de Mey, Marcel van Asseldonk (2018). "Prospects for Agricultural Insurance in Europe", Agricultural Finance Review, Vol. 78 Issue: 2, pp. 174-182. <https://doi.org/10.1108/AFR-04-2018-093>
6. Olivier Mahul and Charles J. Stutley. "Government Support to Agricultural Insurance Challenges and Options for Developing Countries". 2010. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. Washington DC, USA.
7. Swiss Re Institute. "Sigma 2024-01: Natural Catastrophes and Man-Made Disasters in 2023: A Year of Devastating Impacts". <https://www.swissre.com/institute/research/sigma-research/sigma-2024-01.html>
8. Khabar News Agency. "Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis and the People of Uzbekistan". <https://www.khabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-uzbekiston-halqi>
9. Sigma. <http://www.sigma.com..>

□ қишлоқ хўжалигини сугурталаш йўналишлари бўйича чукур билимга эта кадрлар тайёрлаш мумкин бўлган механизми яратиш;

□ қишлоқ хўжалигини сугурталаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида иктисодий йўналишдаги таълим мусассасаларида кадрлар тайёрлашга квоталарни кенгайтириш;

□ қишлоқ хўжалигини сугурталаш соҳасида хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни республика қишлоқ хўжалигини сугурталаш соҳасига кенг татбиқ этиш;

□ қишлоқ хўжалиги корхоналарини сугурталаш борасида фаолият юритаётган ходимларни соҳа бўйича квалификацияга эта бўлишини таъминлаш мақсадида улар учун имтиёзли ўкув жараёнларини ташкил этиш.

Олий таълим мусассасаларида бевосита қишлоқ хўжалигини сугурталаш бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлашни йўлга кўйиш, соҳада таълим берувчи профессор-ўқитувчиларни хорижда малака оширишлари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича таълим олувчиларга амалий тажриба алмашиш дастурларини ҳам амалга ошириш лозим.